

14 январь Ватан ҳимоячилари байрами муносабати билан вилоятда ўтадиган тантанали тадбирда Андижон вилояти ҳоқими Ш.Абдурахмонов сўзлаган

Т А Б Р И К Н У Т Қ И

Ассалому алайкум ҳурматли Ватан ҳимоячилари!

Қадрли аскарлар ва сержантлар! Офицерлар ва қуроли кучларимиз фахрийлари!

Азиз меҳмонлар, тадбир иштирокчилари!

Авваламбор, Сизларни, Сизлар орқали барча ҳарбий хизматчиларни ва юртдошларимизни Ўзбекистонимиз ҳаётидаги қутлуғ сана - Ватан ҳимоячилари куни ва Қуроли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 22 йиллиги байрами билан самимий табриклайман.

Бу йилги байрам Давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари Олий Бош Қўмондони Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг алоҳида эътибори натижасида энг улуғ, энг азиз байрамимиз-Мустақиллик байрами даражасида ҳар йилгидан ҳам катта ташкилотчилик ва юксак кўтаринкилик билан ўтяпти. Дунёда шарафли касблар кўп, аммо, улар ичида энг шарафлиси ўз она Ватани ҳамда халқига посбонлик қилишдир.

Шунинг учун ҳам халқимиз Ватан ҳимоячиларини азалдан эъзозлаб, Алпомиш, Широқ, Тўмарис сингари афсонавий қаҳрамонларини, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур сингари жаҳон тан олган саркардаларини кўкларга кўтариб келган.

Миллий давлатчилигимиз анъаналарига таянган ҳолда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Юртбошимиз ўтган тарихан қисқа давр мобайнида замонавий, ихчам ва пухта тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, ҳар томонлама яхши қуроланган миллий армиямизни шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Давлатимиз раҳбарининг *“Армиямиз Ватанимизнинг муқаддас сарҳадлари, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мусоффо осмонимизнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга қодир”*, - деган сўзлари халқимизнинг осойишта ҳаёт кечиришига янада қатъий ишонч бағишлайди.

Зеро, ўз дахлсизлигини таъминлай олган давлатлардагина тараққиёт ва ривожланиш бўлади. Яратганга минг бора шукурки, мустақил Ўзбекистонимиз бугун ана шундай давлатлар сарасига киради.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугун ҳар бир ўзбек йигити ўзининг фуқаролик бурчи бўлмиш муддатли ҳарбий хизматни ўташга сидқидилдан интилмоқда ва унга олий мақсад сифатида қарамоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи, деб биладиган, бутун ҳаётини Қуроли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз”.

Хабарингиз бор Республикамызда “Содиқ хизматлари учун” ҳамда “Жасорат” медаллари таъсис этилган эди.

Ватан ҳимоячилари куни олдидан муҳтарам Президентимизнинг соҳа вакиллари мукофот-лаш тўғрисидаги Фармони билан вилоятимиздан подполковник Азимов Назир Амриевич “Содиқ хизматлари учун”, капитан Ҳамидов Нишон Душанович ҳамда кичик сержант Жўраев Аббос Ахрорқўзиевичлар “Жасорат” медаллари билан тақдирланиши биз - андижонликларни фойт қувонтирди.

Фурсатдан фойдаланиб, барчаларингиз номингиздан мукофотланган ҳамюртларимизни қизгин табриклашга рухсат бергайсизлар.

Шу билан бирга зиммаларидаги ҳарбий хизматларини сидқидилдан ўтаётган оддий аскар Ҳолматов Асад Саид ўғли ҳамда сержант Бозорбоев Ўктам Сафаровичлар каби бугунги маросимда қатнашаётган юртдошларимизнинг номларини алоҳида шарафлаб ўтишни хоҳлардим.

Ўзбекистон Республика Президентининг Республика Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига куни-кеча эълон қилинган байрам табригини ўқиган ҳар бир фуқаро бугун қудрати нақадар салоҳиятли, келажаги порлоқ миллий армиямиз кучига яна бир ишонч ҳосил қилади, десам, тўғри бўлади.

Азиз юртдошлар!

Давлатимиз раҳбари аскарларимизнинг шарт-шароитларини яхшилаш, ҳарбий бўлинмаларнинг моддий - техника базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратяпти.

Ҳарбий хизматчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларни изчил ва тизимли равишда яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш республика раҳбариятининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Хизматни олий даражада ўтаган кўплаб аскарларимиз олий ўқув юртларига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритмоқдалар.

Бу йил Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик масаласи ҳам деярли 2 ой олдин бошланди. Шунга асосан Тошкентдан таниқли олимлар, санъаткорлар, ижодкорлар иштирокидаги тарғибот гуруҳлари келиб, жойларда, ҳарбий қисмларда унутилмас учрашувлар ўтказдилар.

Маънавият соатлари, концертлар ташкил этилди. Андижон-Самарқанд телекўприги тадбири ҳам юқори даражада ўтди. Шубҳасиз, бу тадбирлар ёшларни она-Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Қадрли юрtdошлар!

Сўзимнинг охирида Сизларнинг ҳар бирингизга ўта заҳматли, сермашаққат, айна пайтда шарафли касбингизга янада ривож, шунингдек, муддатли хизмат бурчингизни мувафаққиятли адо этишингизда чексиз омад, ўзингизга сиҳат - саломатлик, узоқ умр, оилавий баркамоллик тилайман.

Бахтимизга юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, турмушимиз янада обод, фаровон, муҳтарам Юртбошимиз эса ҳамиша омон бўлсин.

Яна бир бор байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юрtdошлар!